Книж. палата
ЎзССР Давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 168 (8. 366) ◆ 1993 йил ◆ 21 сентябрь, сешанба ◆ Сотувда эркин нархда

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Кеча республикамизнинг бир гуруҳ таниқли маданият ва санъат намояндалари Анқарага жўнаб кетдилар. Улар 22 сентябрь куни Туркияда тантанали очиладиган ва бир ҳафта давом этадиган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларида иштирок этадилар.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг кеча бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессияси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишдаги нуқтаи назари (таклифлари) ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

● Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг кеча бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессияси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Бугун Тошкентда Европа иқтисодий ҳамжамияти халқаро комиссиясининг Тошкент шаҳри ва вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш ва қайта ишлашга бағишланган «Тачис» дастури лойиҳаси юзасидан якунловчи семинар иш бошлади.

● Нукусда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркманистон олимлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг Орол муаммоларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

● Навоий вилоятининг Томди туманидаги Жабай Болиманов номидаги давлат хўжалигида икки марта Меҳнат Қаҳрамони, фахрий академик Жабай Болиманов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

● Пахтакор шаҳридаги таъмирлаш-механика заводида Хитойнинг Харбин шаҳридаги машинасозлик заводи билан ҳамкорликда кўп қаватли қурилиш биноларида ишлатиладиган ўзиюрар кранларни йиғиш йўлга қўйилди.

● Хоразм вилоятида 26 та давлат хўжалиги ва 6 та паррандачилик фабрикаси давлат тасарруфидан чиқарилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Озарбайжон миллий мажлиси Озарбайжонни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кириши ҳақида қарор қабул қилди. Эртадан Озарбайжонда фавқулодда ҳолат бекор қилинади.

● Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе мамлакат парламенти депутатларига Грузияни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлиши тўғрисида қарор қабул қилиш даъвати битилган мактуб йўллади.

● Қозоғистон ҳукуматининг қарори билан шу йил 1 октябрдан бошлаб мамлакат фуқароларининг барча турдаги пенсияларига ойига 5600 рубл дан 10 минг рублгача пул қўшиб бериладиган бўлди.

● Кеча Молдовада миллий валютанинг илк намунаси — қиймати 5 лей бўлган пул муомалага киритилди.

● Москва банкларо валюта биржасида АҚШ 1 долларининг қиймати яна 12 рублга ортиб, 1029 рублни ташкил этди.

● Кострома вилоятида ўтган ҳафта бўлиб ўтган қор бўрони 20 миллиард рубль миқдорида зарар келтирди. Вилоятдаги 24 тумандан 20 тасида ана шундай табиий офат рўй берди. Бунинг оқибатида 102 минг гектардаги ғаллазор, 3 минг гектардаги зиғир, ўнлаб минг гектар ўтзорлар қалин қор остида қолиб, ҳосили нобуд бўлди.

ХОРИЖДА

● Германияда чиқадиган «Нюрнбергер нахрихтен» газетаси Ўзбекистон ишбилармонлар олами йўлномасининг нашр этилишига бағишланган «Германия Ўзбекистонни кашф этмоқда» мақоласини босиб чиқарди. Унда Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ва жаҳондаги мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

● Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг сессияси иш бошлайди.

● Фаластин Озодлик ташкилотининг етакчиси Ясир Арафат Иорданияда мамлакат қироли Ҳусайн билан учрашиб, Исроил—Фаластин ўртасидаги аҳдлашув юзасидан фикр алмашди.

● Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин Александрия шаҳрида Миср Президенти Ҳусни Муборак билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини ривожлантириш масалаларини муҳокама этди.

● Халқаро валюта фонди Россияга 1,5 миллиард доллар миқдорида қарз беришни кечиктиришга қарор қилди. Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, бунга «Москвининг пул қадрсизланиши суръатларини пасайтиришга ва бошқа ислоҳотларни ўтказишга қурби етмаётганлиги» сабаб бўлди.

● Жанубий Атлантикада бундан 4 кун аввал фалокатга учраган Россиянинг «Полесск» юк кемасидаги денгизчиларни қидириш тўхтатилган. Бу ҳалокат оқибатида Россиянинг 29 нафар денгизчиси ҳалок бўлган, деб тахмин этилмоқда.

● Бугун Монте Карло шаҳрида Халқаро Олимпиада комитетининг навбатдаги сессияси очилади. Унда 23 сентябрь куни 2000 йилги ёзги Олимпиада мезбони бўладиган шаҳар танланади. Бунга ҳозир Берлин, Сидней, Истамбул, Манчестер ва Пекин шаҳарлари даъвогарлик қилмоқдалар.

● Шаҳмат бўйича жаҳон биринчилиги учун Лондонда Гарри Каспаров билан Найжел Шорт ўртасидаги олтинчи учрашув ҳам дуранг натижа билан тугади. Ҳозирги жаҳон чемпиони олдинда — 4,5:1,5.

● Англияда ишдан чиққан автопокришкалар ёнилғи вазифасини ўтайдиган Европада биринчи электростанция ишга тушди.



Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир бўлинма ва цехларида малакали ишчилар меҳнат қилишади. 22-цехнинг йиғувчиси Холмурод Хўжаев (чапда) ХНН—1,8 маркали пахта териш машинасини муддатидан илгари йиғиб беришга эришди. Шу корхонанинг пайвандловчиларидан Убайдулла Муҳамадиев ва Анорбой Мехлиевлар пахта териш машинасининг энг нозик жойларини пайвандлашда ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда.

Андрей Пишненко суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 октябригача ун, ўсимлик ёғи ва макарон маҳсулотлари аҳолига 1993 йилнинг 20 сентябригача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу фармойиш сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорларига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 18 сентябрь.

* *Ўзбекистон ва жаҳон*

ТАРАҚҚИЁТ—ҲАМКОРЛИКДА

КУНИ кеча ўтказилган семинар «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси корхоналарининг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига бағишланди. Семинарга корхоналар раҳбарлари ва тармоқ корхоналарининг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалар фаолиятига масъул бўлган мутахассислар таклиф қилинганди.

Семинарни «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси бошқарувининг раиси У. Қ. Исмоилов кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг раиси Р. С. Азимов миллий банк «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси билан яқин алоқада ишлаётгани ва катта ишларнинг бошланиши арафасида турилганлигини айтиб, хориж билан иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва хорижий давлатлар сармоядорларини жалб қилиш борасидаги муаммолар ҳақида тўхталди.

Халқаро хусусийлаштириш гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк комитетидаги иш тажрибаси тўғрисида Прайс Уотерхаус, (Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан), Халқаро хусусийлаштириш гуруҳининг маслаҳатчиси жаноб Ричард Бернстромлар гапириб беришди.

Енгил саноатдаги маркетинг, уни бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича халқаро кўнгилли экспортлар корпуси мутахассисларининг республикада ишлаш имкониятлари тўғрисида Халқаро кўнгилли экспертлар корпусининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўлинмаси эксперт-маслаҳатчиси жаноб Артур Бэттауэр маъруза қилди.

«Ўзбекенгилхолдинг» ташқи иқтисодий алоқалар ва илмий-техника тараққиёти департаментининг директори Л. У. Поковский тармоқнинг экспорт имкониятларини ошириш мақсадида корхоналарни техник қайта қуриш бўйича қилинаётган ишлар хусусида тўхталди. Хорижий шериклар билан ишлаш тажрибаси тўғрисида «Тошкент тўқимачилик комбинати» Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Б. Қ. Эргашев сўзлади. У ҳали қўшма корхоналар тузиш, кредитлар олиш ва бозор муносабатларининг бошқа масалалари бўйича оммабоп адабиётнинг камлигини айтди. Шунингдек, у енгил саноатнинг тўқимачилик, пойабзал, трикотаж, ипакчилик ва бошқа тармоқлари бўйича алоҳида семинарлар, конференциялар, фикр алмашувлар ўтказиб туриш таклифини киритди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. Т. Нуралиев, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк комитети ташқи иқтисодий алоқалар ва мулк бўлимининг мудири Г. А. Маҳмудова, «Ўзбекенгилимпэкс» нинг бош директори Л. В. Цой ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Расул ҲОШИМОВ,
«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси «Бизнес ва кадрлар» ўқув-тадқиқот марказининг ходими.

ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙ

«ТЎҚИМАЧИЛИК комбинати» Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи ва хизматчиларга ғамхўрлик қилишга катта эътибор берилмоқда.

Яқинда бирлашма ишчи ва хизматчиларига фоизсиз қарз бериш уюштирилди.

Айни пайтда биргина ишчиларга берилаётган бу қарзларнинг ўзи 40-50 миллион сўмни ташкил этмоқда. Айниқса икки йиллик муддатга берилаётган қарзлар ишчи ва хизматчилар учун жуда қулайдир. Чунки ҳар қандай киши тўй ёки маросим учун олинган қарзни шу муддат ичида бемалол тўлаш қурбига эга.

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

БИРЛАШМА цехларининг ҳар бирида ишчилар учун замонавий кўринишдаги маданий-маиший нуқталар ишлаб турибди. Уларда аёллар сартарошхонаси, пардоз-андоз хоналари, сауна ва бошқалар мавжуд. Бу хизматлардан кунига икки мингга яқин кишилар фойдаланишмоқда. Айниқса ип фабрикасидаги руҳий дам олиш хонасидаги шарт-шароит киши чарчоғини бир зумда тарқатиб юборади.

Бундан ташқари «Тўқимачи» ўйингоҳи корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун бериб қўйилган. Ўйингоҳда тўқимачилар учун спортнинг футбол, волейбол, қўл тўпи, теннис, шахмат-шашка, бокс, сузиш каби турлари ишлаб турибди.

* *Бир корхона янгиликлари*

«ТЎҚИМАЧИ»ДА ЕТИШТИРИЛГАН

ИШЧИ ва хизматчиларни мева ва сабзавотлар билан таъминлаш маъмурият ва корхона касаба уюшмасининг асосий вазифаларига киради. Корхонанинг ёрдамчи хўжаликларидан бири бўлган «Тўқимачи» давлат хўжалиги бу йил тўқимачилар учун 180 тонна картошка, 155 тонна мева, 650 тонна сабзавот, 70 тонна узум етказиб беришни ўз зиммаларига олганлар. Улар 50 тонна гўшт ва 100 тонна сутни етказиб беришни режалаштиришган.

ТЕКИН ЙЎЛЛАНМАЛАР

КОРХОНА касаба уюшмаси шу йилнинг ўзида тўқимачиларнинг 800 нафар фарзандини «Тўқимачи» оромгоҳида дам олишларини таъминлашди. Диққатга сазовор жойи шундаки, берилган йўлланмаларнинг ҳаммаси текин расмийлаштирилди. Бундан ташқари 1690 кишига сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклашлари учун йўлланмалар берилди.

Баҳодир ОРИПОВ.

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

«ТАЛАБА ва илмий-техника тараққиёти—93» шиори остида уюштирилаётган республика олимпиада дастури толиби илмлар учун чинакам билимлар синови бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилаётган мазкур маърифий тадбир бир неча босқичда ўтади.

Олимпиаданинг навбатдаги иккинчи босқичига яқинда якун ясалди. Унда республикамиздаги деярли барча олий ўқув юртларининг вакиллари фаоллик кўрсатдилар. Илм-фанга берилган кўпгина ёшлар билимлар синовидан муваффақиятли ўтиб, назарий билимларини намоён қилдилар. Улар замонавий илмий-технологияни пухта ўзлаштириб, мустақил илмий-техникавий ишларни олиб бориш қобилиятларини кўрсатдилар.

Тошкент Давлат техника университети негизида уюштирилган билимлар синовида 12 та фан бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Олий математика, физика, назарий механика, иссиқлик техникаси, робот техникаси қурилмаси каби фанлардан уюштирилган жиддий саволжавоблар талайгина иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини берди.

Эндиликда бундай келажаги порлоқ умидли ёшлар билан яқиндан иш олиб бориш асосий вазифалардан бирига айланиб қолди. Бу муҳим вазифани амалга ошириш йўлида Тошкент Давлат техника университетида қўшимча тадбирлар кўрилмоқда. Олий ўқув юртининг қатор кафедралари томонидан бир қанча ўқитувчи иқтидорли талабалар билан машғул бўлишга ажратилди.

Бундан ташқари иқтидорли талабалар учун махсус машғулотлар уюштириш кўзда тутилди. Шу мақсадда таълимни якка тартибда ташкил этиш жадвали ҳам тузилди.

Ориф АҲМЕДОВ.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Пойтахтимизнинг Ҳамид Олимжон майдонидаги осмонўпар бинолар шаҳримиз ҳуснига ҳуси қўшиб турибди.

Холмат Мирзакаримов сурати.

* *Қурилиш майдонларида*

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

СЎНГГИ вақтларда пойтахтимизнинг Сергели даҳаси кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бу ерда кўп қаватли турар жой бинолари, маданий-маиший нуқталар кўпайиб бориши уйга муҳтож оилаларнинг қувончига қувонч қўшаётир. Масалан, ўтган ойнинг ўзида даҳада бирваракайига тўққизта уй фойдаланишга топширилган эди. Бунда айниқса Тошкент давлат ҳиссадорлик қурилиш корпорацияси қарашли 1-уйсозлик комбинати қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди.

Комбинат бунёдкорлари бу ой ҳам сўзатни пасайтирмаган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Айни пайтда улар даҳанинг 11 та уйида қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишларини олиб боришмоқда.

— Юқоридаги уйларни сўнгги босқичга етказишнинг ўзи бўлмади, — дейди биз билан суҳбатда корпорация уй-жой қурилиши бўлимининг бош мутахассиси Владимир Зелепухин. — Чунки уйларни қуриш давомида хом ашё маҳсулотлари кўпинча ўз вақтида келмади. Натижада биноларимизнинг вақтлари бекорга кетди. Айниқса Ҳамдўстлик мамлакатларидан келадиган қурилиш материалларига шундай бўлди. Металл, ёғоч, пайвандлаш учун ишлатиладиган электрод маҳсулотлари шулар жумласидандир. Сабаби ҳозир Россия ҳамда бошқа республикаларга пул ўтказиш жуда қийин бўлиб кетди.

Излаган имкон топади, дейди доно халқимиз. Қурувчиларимиз ана шу нақлга амал қилган ҳолда бу муаммоларни ечишга ҳаракат қилишди. Улар юқоридаги материалларни алмашиш ва бошқа усуллари билан олиб қолишди.

— Ҳозирги кунга келиб қурувчилар юқоридаги 11 та уйдан 4 таснни фойдаланишга топширишди. Сергели—5 мавзесидаги 36 хонадонли, Сергели 6 мавзесидаги умумий сатҳи 2793 квадрат метрли, 27-уй рақами билан белгиланган 18 хонадонли ҳамда яна бир 36 хонадонли, 9 қаватли уйлар шулар жумласидандир. Айни пайтда ҳаммаси бўлиб 122 хонадон эгаларига уй калитлари топширилмоқда. Қолган 7 та уйда эса қурилиш-тиклаш ишлари тугатилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишни ҳам 1-уйсозлик комбинати пардозловчилари ниҳоясига етказишмоқда.

Қурувчилар шу ойнинг ўзида даҳада умумий сатҳи 26 минг 650 квадрат метрни ташкил этган уйларни фойдаланишга топширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу 360 та ҳамшаҳарларимиз алоҳида хонадонга эга бўлади, деган гап.

Ғани ЕСЕНОВ.

* *Мутасаддилар фикрича...*

ЖАРИМАЛАР МИҚДОРИ ОШДИ

Газетамизнинг кечаги сонида «Чорраҳа» саҳифасидан ўрин олган «Чора қатъий, лекин адолатли» деб номланган мақолада Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи милиция подполковниги Холмат Зокиров билан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори хусусида сўз борганди.

Бугун эса таҳририятимиз Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчилик бошқармасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 сентябридан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида»ги 1993 йилнинг 13 сентябрь кунидаги Фармони асосида жарималарнинг қайта ҳисоблаб чиқилган жадвалини олди. Шу муносабат билан жарималарнинг янги миқдорларини шарҳлаб беришни Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бўлим бошлиғи муовини, милиция майори Азиз Эрназаровдан илтимос қилдик.

— 1992 йилнинг 9 декабрида Республикамиз Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мажмуаси ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори эълон қилинган эди. Унда энг кам иш ҳақи миқдорининг ошиб боришига қараб солинадиган жарималар миқдорининг ҳам ошиши таъкидланган.

Мана, 1993 йил 1 сентябрдан ойлик маошлар, нафақа ва стипендиялар 20 фоизга ошиши муносабати билан шу йилнинг 13 сентябридан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори ҳам шунча фоизга кўтарилди.

Масалан: транспорт воситаларини спиртли ичимлик, гиёвандлик модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқарганлар — 40500 сўмдан 135000 сўмгача жарима тўлайдилар ёки бир йилдан уч йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Транспортни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларга эса бундай ҳолларда 54000 сўмдан 135000 сўмгача жарима солинади. Белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш, йўлчироқ кўрсатмасига бўйсунмаслик, пиёдалар йўлкасидан ҳаракат қилганлик учун 6750 сўмгача жарима, ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликни бир йил мобайнида такрор содир этганларга 13500 сўмгача жарима, яна ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган қоидабузарликнинг учтасини бир йил мобайнида содир этишга 2700 сўмгача жарима билан белгиланган. ДАН хизмати ходимларига бўйсунмаслик, қонуний талабларга итоат этмаганларга 1350 сўмдан 27000 сўмгача жарима тўлашга тўғри келади.

Дарҳақиқат, чоралар қатъий, лекин адолатли. Келинг, яхшиси қоидабузарликлардан нарирокда юрайлик. Йўл ҳаракати қоидаларини яхши билганларга ва унга доимо риоя қилганларга эса фақат оқ йўл тилаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

2-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларнинг таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

3-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

5-модда. Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

6-модда. Йиғин чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва турар жой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан фуқароларнинг намояндалари ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими белгилайди.

7-модда. Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

8-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши)ни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғин (йиғилиш)ни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

9-модда. Фуқароларнинг ҳар бир йиғини (йиғилиши)да баён юритилади, унда йиғин (йиғилиш) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар қайд этилади. Йиғин (йиғилиш) баёни ва қарорларини раис (оқсоқол), унинг йўқлигида эса маслаҳатчиларидан бири имзолаб, тегишли туман, шаҳар ҳокимига юборади.

III. РАИС (ОҚСОҚОЛ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

10-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

11-модда. Маслаҳатчиларнинг миқдор таркибини йиғин (йиғилиш) белгилайди. Маслаҳатчиларнинг номзодларини йиғин (йиғилиш)га раис (оқсоқол) тавсия этади.

12-модда. Раис (оқсоқол) ва маслаҳатчилар уларга йиғин (йиғилиш)да ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз берса, сайланган ҳисобланадилар.

13-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари тегишли ҳудуддан ташқарига чиқиб кетсалар ёки туман, шаҳар ҳокимининг таклифига биноан, ёхуд йиғин (йиғилиш) қатнашчилари камида учдан бир қисмининг ёзма талабига кўра муддатидан илгари қайта сайланиши мумкин.

IV. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ НЕГИЗИ

14-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкидир.

15-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия жамғармаларидан ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил счетларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

V. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

16-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши):

ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметасини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назорат қилишни ташкил этади, зарур бўлганида тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устаҳоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

йиғиннинг, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, маъмурий комиссия тузади.

18-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) раисининг (оқсоқолнинг) шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари тўғрисидаги тақдимномасини, раиснинг (оқсоқолнинг) корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш ҳамда бу субъектларнинг ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегарасидаги ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

VI. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

19-модда. Йиғин раиси (оқсоқоли) ва йиғин раиси тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. Раиснинг (оқсоқолнинг) котиб тайинлаш тўғрисидаги қарори фуқароларнинг йиғини томонидан тасдиқланади.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини раиси (оқсоқоли) ўз аппаратига эга бўлиб, унинг миқдори халқ депутатлари туман Кенгаши ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда йиғин (йиғилиш) томонидан белгиланади.

Раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

20-модда. Котиб ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли), аппаратнинг ходимлари умумий йиғилишлар ўтказишга доир материаллар тайёрлайди, фуқароларнинг йиғини ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини кузатиб боради, иш қоғозларини юритади, ҳужжатлар сақланиши учун жавоб беради, фуқароларга бериладиган маълумотномаларни расмийлаштиради, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ва чақирилувчиларни дастлабки тарзда ҳисобга олинишини таъминлайди, раис (оқсоқол) топшириғига биноан ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари доирасида бошқа ишларни амалга оширади.

21-модда. Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсимоти раис (оқсоқол)нинг тақдимига кўра фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) томонидан амалга оширилади.

VII. РАИС (ОҚСОҚОЛ)НИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

22-модда. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашишларини ташкил этади, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади, бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланади;

дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти мамбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

қабристонлар, қардошлик қабрлари ва бошқа мозорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолаштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатга мерос тарзида ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

деҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини (йиғилиши) муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини киритади;

иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларни ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилади;

аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганида эса табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилаётганликларидан хабардор этишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади;

вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

аҳоли орасида лекция, маъруза ва суҳбатлар ўтказишни ташкил қилади, фуқароларга мунтазам равишда кино хизмати кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил қилади;

давлат органларига фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида таклифлар киритади;

фуқароларни қабул қилади, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғининг раиси (оқсоқоли) фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олади, айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

25-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол)нинг ҳатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

3. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари жорий йилнинг 1 декабригача ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралларини белгилаб олсинлар ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказсинлар.

4. Ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралари аниқлангунга ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) Қонунда белгиланган тартибда сайлангунга қадар уларнинг вазифаларини бажариб турсин халқ депутатлари шаҳарча, қишлоқ ва овул Кенгашларининг раислари зиммасига, маҳаллаларда эса — маҳалла қўмиталарининг раислари зиммасига юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги Кодекси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар илгари халқ депутатлари туман, шаҳар, шаҳардаги туман, шаҳарча, қишлоқ, овул Кенгашлари ижроия қўмиталари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлари тегишли равишда туман, шаҳар ҳокимиятлари ва шаҳарча, қишлоқ, овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1980 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари посёлка Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 108-модда);

1980 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари қишлоқ Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 9, 109-модда);

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1983 йил 4 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 20, 330-модда);

Ўзбекистон Республикасида гражданларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишлари, йиғинлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1988 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1988 йил, № 34, 398-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси

Ш. РАШИДОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

«МУДОФАА тармоқларида тайёрланаётган буюмларнинг ўзгартирилиши, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улушини оширишда муайян роль ўйнади. «Алгоритм», радиоэлектрон аппаратлар заводларида, «Восток», «Ўзэлектроаппарат», «Ўзэлектрокабель» бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда аграр сектор учун техника, телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар, хилма-хил электр хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «ИЛ—114» самолётини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти», — деди Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясидаги маърузасида.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда мустақил республикамизда корхоналар аҳоли учун халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан олиб боришмоқда. Биз ана шундай корхоналардан бири В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдик. Бирлашма бош директори Василий Журавлёвдан корхонада бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

** Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида гапирилди*

ТОШКЕНТНИНГ ЯНГИ «ҲАВО КЕМА»ЛАРИ

— Бирлашма тармоқлардан бир мунча ҳалос бўлганидан кейин биз фуқаролар авиацияси учун самолётларни ишлаб чиқаришни кўпайтирдик. Самолётларнинг технологик тузилишини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнатталаб жараёнлар ва улар турларини камайтириш бўйича кўплаб масалаларни ҳал қилдик. Турли техник ҳужжатлар юз минглаб нусхада чиқарилди.

Корхонада ахборот-ҳисоблаш марказини жиҳозлашга, иккинчи авлод электр-ҳисоблаш машиналарига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги босқичнинг ўзига хос хусусияти бирлашма бўлинмаларида шахсий ЭҲМ негизида қурилган ахборот тизимларининг қўлланилишидан иборат. Цехларни тез ва соз бошқариш бўйича муҳим масалалар ҳал этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мўлжалланган режаларнинг бажарилиши ижтимоий соҳадаги дастур билан ҳар томонлама шуғулланишга имкон берди.

Ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой шароитлари яхшиланмоқда. Ётоқхоналар, ёш оилалар учун уйлар, болалар комбинатлари, маданият саройи, савдо маркази, касб-ҳунар билим юрти, туғруқхона, болалар касалхонаси ва бошқа зарур ижтимоий, маданий-маиший масканлар шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқарилган самолётларни чет давлатларга сотиш борасида ҳам бирлашма анча ишларни амалга оширди. Бу эса ўз навбатида корхонага ва республикага валюта тушумини кўпайтирди. Ҳозирги кунда бирлашманинг юздан ортиқ «ИЛ—76» самолётлари ҳорижий давлатлар осмонида парвоз қилмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бирлашмада ишлаб чиқарилаётган «Ҳаво кемалар» жаҳон андозаларига тўла жавоб берган ҳолда баъзи бир чет эл авиакомпания самолётларидан сифат жиҳатидан анча юқори туради.

Шу билан бирга корхона халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ҳам катта аҳамият бермоқда. Масалан, айни пайтда бирлашманинг 35-цехида болалар стулчаси, грилшкафлар, «Миттивой» тикув машиналари йиғилиб, савдо тармоқларига жўнатиляпти. Ҳозир айниқса болалар стулчасига аҳоли ўртасида талаб катта. Корхона ана шуни ҳисобга олиб, бу маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришни режалаштирган.

— Корхонада янги ИЛ—114 йўловчи самолётларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани маълум. Шу ҳақда батафсил гапириб берсангиз.

— «ИЛ—114» бирлашмамизда яқинда ишлаб чиқарилаётган самолётлардан бўлиб, у яқин ва ўрта яқин масофаларга мўлжалланган. Бу «Ҳаво кема»си эскиларига қараганда ўзининг катта янгиликлари ва тежамкорлиги билан тубдан фарқ қилади, 64 та йўловчига мўлжалланган бу самолётнинг йўловчилар бўлмаси ҳозирги замон талабларига жавоб бериши билан ажралиб туради.

«ИЛ—114» жаҳон бозорида бемалол рақобатлашиши мумкин. Мисол учун Англиянинг «АТП», Франция — Испания ҳамкорлигида «АТР—42» ҳамда Швециянинг «СААБ—2000» самолётларидан узоққа учиши, кўп йўловчиларни ташиши билан устун туради. Шунинг учун ўтган йили Париж, Берлин авиакўргазмаларида «ИЛ—114» самолёти мутахассислар томонидан жуда катта баҳо олди.

— Бу янги ва замонавий «ҳаво кема»лари қачон йўналишларда аҳоли хизматида бўлади? Кейин уларни чет эллларга сотишни ҳам мўлжаллаганмисизлар?

— Ҳозирги кунда юқоридаги самолётлар Ильюшин номидаги конструкторлик бюроси базаси ҳамда фуқаролар авиацияси илмий-текширош институтида давлат синовларидан ўтмоқда. У синовдан ўтгандан кейин «ИКАО» халқаро ташкилотларидан бу самолётларнинг учиши ҳамда уни ишлаб чиқаришга рухсат берилади. Ана шу рухсатномани олгандан кейин биринчи самолётларни «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига топширамиз. Айни пайтда бирлашма йиғув цехидан «ИЛ—114» самолётларининг бир нечтаси ярим йиғилган ҳолда турибди. Ярим йиғилган деганимнинг сабаби баъзи бир қийинчиликлар туфайли бу самолётларнинг эҳтиёт қисмлари ҳозирча етишмаяпти. Биз буни албатта ҳал қилиб, бу замонавий «ҳаво кема»ларини кўплаб ишлаб чиқаришга қўямиз. Республикамизнинг вилоятлараро йўналишларида ҳозирги кунда қатнаётган «АН—24» ва «ЯК—40» самолётларини тўлалигича алмаштирамиз. Яқин келажакда ҳамюртларимиз ҳамма шарт-шароитларга эга бўлган ҳамда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган «ҳаво кема»ларида парвоз қилишади. Ўйлайманки, 1994 йили Самарқанд, Навоий, Бухоро, Урганч йўналишларида бу мақсадлар амалга оширилади.

Янги самолётларнинг ўзимиздан ортиб қолганини чет элга сотишга ҳам мўлжаллаб турибмиз. Чунки ҳозирнинг ўзида жаҳон бозорида бунга талаб анча кучайди. Бир нечта чет эл авиакомпаниялари, бу самолётларнинг ишлаб чиқарилишини қизиқиб кузатишмоқда.

— Яқинда Москвада халқаро авиакосмик кўргазма ўтказилди. Унда қандай самолётлар қатнашди? Бирлашма «Ҳаво кемалари кўргазма қатнашчиларида қандай таассурот қолдирди?

— Москва авиакосмик кўргазмаси шу йилнинг 31 августидан 5 сентябргача давом этди. Унда авиатехниканинг хилма-хил ва катта сони кўрсатилди. Кўргазмада Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда чет элларнинг етакчи фирмалари ўзларининг самолёт ва вертолётларини намойиш қилишди. Америка Қўшма Штатларининг «Гольфстрим» самолёти шулар жумласидандир. Ҳамдўстлик мамлакатларининг АН—325 «Мрия» «ҳаво кема»си ҳаммани ҳайратда қолдирди. Олтита двигателли бу самолёт ҳозирги кунда дунёда энг катта «ҳаво кема»ларидан ҳисобланади. Янги ишлаб чиқарилган «ИЛ—96 М» самолёти ҳам ўзининг узунлиги билан кўргазма қатнашчилари эътиборини тортди.

Юқорида тилга олинган бизнинг «ИЛ—114» самолёти ҳам ўзининг аъло даражада учиши жиҳатидан ҳаммани лол қолдирди. Ўт ўчирувчи «ИЛ—76» «Ҳаво кема»си ҳам ўзининг афзаллигини кўргазма қатнашчиларига намойиш қилди.

Суҳбатдош
Ғулом ЮСУПОВ.

Илгариги мавзуга қайтиб

МАРДЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

⊙ Ўтган йили газетамизда «Тошкентнинг босиб олиниши» сарлавҳали мақола эълон қилинган, у муштарийларимизда катта қизиқиш туғдирган, кўплаб газетхонларимиз эса, шу хусусда ўзларининг мулоҳазаларини изҳор этган эдилар. Тошкент ҳимоясининг ташкилотчиларидан бири мулла Солиҳбек Охунд додхоҳнинг эвараси Нуруллабек Убайдуллабек ўғли бобокалони изидан бориб, янги-янги ҳужжатлар топишга муваффақ бўлди. Улар тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини шубҳасиз тўлдиради. Бугун биз яна Нуруллабек Убайдуллабек ўғли билан суҳбатлашдик.

⊙

— Нуриллабек ака, ўтган йили Тошкентни ҳимоя қилган ватанпарварларнинг кўпчилиги Сибирга, Томск губерниясига сургун қилиниши ҳақида батафсил суҳбатлар қилган эдик. Эшитишимизча сиз сургундагиларнинг кейинги тақдирини аниқлаш борасида бирмунча ишларни бажарибсиз...

— Қўлдан келганича фарзандлик, меросхўрлик бурчимни бажаришга интилдим. Мавруди келиб қолди, менга жон-дилдан ёрдам берган, маслаҳатларини дариғ тутмаган ҳамшаҳарларимга миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Дастлаб Россия ва Тошкент ўртасидаги, тарихга «Тошкент шартномаси» номи билан кирган аҳднома ҳақида сўзласам. Ушбу шартнома Хўжа Аламбардор масжидида имзоланган экан. Кўп изланишлардан кейин бунга аниқлашга муваффақ бўлдик.

«Тошкент шартномаси»нинг ўзи нима? У нималарни кўзда тутган? Нега мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ бошлиқ 6—7 киши ушбу шартномани имзолашдан бош тортган? Бу ҳақда мулла Солиҳхўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида муфассал ҳикоя қилинади. Ушбу китобнинг зарур саҳифаларини ўзбек тилига ўгиришда тарих фанлари номзоди Омонулла Бўриев кўп хизматлар қилди.

— Агар мумкин бўлса шартнома ҳақида атрофлича тўхталсак...

— XIX аср иккинчи ярмида Туркистон ўлкасининг чор Россияси томонидан босиб олиниши талайгина адабиётларда ўз аксини топган. Жумладан маҳаллий тарихчилардан тошкентлик мулла Солиҳхўжанинг форс тилида ёзилган «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент шаҳрининг забт этилиш воқеалари анча муфассал ёритилган. Сабаби, муаллиф ўша даврда яшаб, бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрибгина қолмай, балки шаҳар ҳимоячилари қаторида туриб курашган ҳам эди. Унда ёзилади:

«Зоҳирда мусулмон, лекин бошқада мунофиқ бўлмиш кишилар Русия аскарларига хабарчилар орқали шундай фикрни етказмишлар: «Бугун кечаси хуфтон намозидан сўнг шаҳарнинг ичига қаратиб замбарақдан иккита ўқ отсинлар; бирини — Хиёбон томонга, иккинчисини — Шайховандтоҳур томонга. Эртасига тонг намозидан сўнг, пайшанба куни бизлар ҳар бир кўчага одам қўямиз ва улар баланд овоз билан «Энди кофирлар шаҳарнинг ичидаги барча уйларни ёндириб юборадилар»,— деб жар соладилар. Шунда сулҳ тузиш осон кўчади».

Бинобарин, хуфтон намозидан сўнг, (руслар) битта замбаракни Хиёбон томонга ва яна бир замбаракни Шайховандтоҳур томонга отдилар. Саҳар намозидан кейин Кўкча дарвозасидан то Хиёбон дарвозаси, Бешёғоч дарвозаси, Шайховандтоҳур ва Ҳазрат Имом кўчасигача (бўлган маҳалла — қўйларда) аҳли насоро шаҳарга ўт қўярмиш, деган овоза тарқалди.

Одамлар саросимага тушиб қолган бир пайтда, элчилар келиши ҳақида одамларга хабар етди. Кўп ўтмасдан мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ қошидан бир ишончли одам келиб, Шайховандтоҳур қозиси, Азим оқсоқол, уламо ва фузалолар, акобирлар ва вилоят аъёнлари Хиёбонга, мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ ҳузурига йиғилсинлар, ўша ерда Русия элчилари ва насороларга биргалашиб савол-жавоб қиламиз, деб хабар етказди. Шунга кўра ҳар бир масжиддан уч кишидан Хиёбонга етиб бордилар, у ердан ўтиб қўрғон ташқарисига Хожа Аламбардорнинг нурларга тўла маконига қирқ киши тўпланди. Ул ерда Бузурукхўжа эшон қозининг тўнғич азиз ўғли Сайид Аҳмадхўжа эшон муфти келиб, кундалик воқеа-ҳодисалар (тарихини) ёзиб берувчи (камина)нинг қўлидан ушлаб уламолар даврасидан иборат мажлисга элтди, бир чеккага ўтказиб, ўзи ҳам менинг ёнимда ўтирди. Бироздан сўнг (менга) қараб деди: «Ноинтифоқлик (бизларни) шу кўйга солди, мана Ширинуф (генерал Черняев келибди, энди у нима деркин». Шу пайт чодирдан Ширинуф ва Оқмасжиднинг ҳокими Қуриз исмли (киши) чиқиб келишди. У дарҳол қози Ҳакимхўжа, Абулқосимшайх, мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ, учта қози, уламолар, Тошкентнинг тўрт рукн (қисм)ининг оқсоқоллари, шаҳарнинг акобирлари, сардорлари, савдогарлари ва кадхудолари билан бирма-бир исмини айтиб танишиб, ҳол-аҳвол сўради.

Шундан сўнг ваъдалар бериб, сулҳ тузиш ҳақида илтимос қилди. Бу ҳақда у ўз подшоҳлари номидан, бу томондагилар (тошкентликлар) эса ҳозирги ва келажак фуқаролар номидан аҳднома ва шартнома туздилар: Тошкент шаҳрининг тўртта аркони учун тўртта аҳднома — бир аҳднома бешоғочликлар даҳаси учун, бир аҳднома ҳазрат шайховандтоҳурликлар учун, бир аҳднома себзорликлар учун ва Кўкча (даҳаси) учун бир аҳднома.

Тўрт арконнинг муфтилари, аъламлар ва қозилар тўртта аҳдномани ёзиб, унда қуйидаги шартларни кўрсатдилар:

— мусулмонлар ўзларининг қадимий таомилларида қатъий қоладилар;

— (мусулмон) миллати дин ва йўл-йўриқларида барқарор бўладилар, ўз динларини тарғиб қиладилар;

— ҳар йилги ҳосилдан закот ва хирожни ҳам Муҳаммад (пайғамбар) шариатига мувофиқ тарзда мусулмон амлокдорлар йиғиб берадилар;

— ўт-ўланлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, умуман халқ фойдаланадиган, подшоҳликка тегишли (шунга ўхшаш) нарсалардан фойдаланиш қадимги таомилга кўра бўлади;

— ҳовлилар, далалар ва боғлардан фойдаланиш ҳам қадимий таомил асосида бўлади;

— (Россия) подшоҳлигининг аскарлари (маҳаллий) халқ ҳовлиларини кўшхона қилмайдилар;

— аҳолидан йиллик даромад солиғи олмайдилар, чунки бу зулм қилиш демакдир;

— бир миллат вакили бошқа бир (миллат) вакилига шариатга хилоф тарзда зулм қилмайди. Агар шариат асосида сабаблари бўлса, у ҳолда ислом қозисига мурожаат қиладилар ва ўша пайтдаги шариат пешволари аниқлаб берадилар; ношаръий йўл билан биров бировдан битта ҳас ҳам олмайди.

(Ана шу тарзда) ҳамма нарсани шариат асосида тасдиқлаб, ўша ерда ҳозир бўлган муҳаррирлар ёздилар.

Русия ва насрония томонидан сулҳ шартлари ва талаблари қайд этилган яна битта аҳднома ёзиб, уни Ширинуфга бердилар.

Мажлис ҳозирлари аҳдномага тўла-тўкис муҳр босдилар; Ширинуф Русия ва насрония амалдорлари эса ўз номларини ёздилар (имзо чекдилар), чунки уларда шундай қоида экан. Мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ: «Улар ҳам аҳдномага муҳр босмагунча биз қабул қилмаймиз», — дедилар. Шунда Ширинуф (ёнида турган) Хончабоғ тилмочга қараб нимадир деди. (Тилмоч) мулла Солиҳбек Охундга қараб: «Ширинуф жаноб олийлари бизлар муҳр ўрнига номимизни ёзамиз», — деяптилар, деди. Шунда мен ўрнимдан бироз қўзғалиб: «Бизнинг китобларда шартномаларга ном ёзиш, деган (гап бор), демак шу назарда тутилган ва буларнинг қонуни (ҳам шундай) экан», дедим. Мулла Солиҳбек Охунд (менга: «Эй ўғлим, яқинроқ келиб бу аҳдномаларни диққат билан ўқиб чиқсанг, чунки (бу ҳужжат) бизлардан кейин сизлар учун асқотади», — дедилар. Мен Бешоғоч аҳдномасини ибтидосидан интиҳосигача ўқиб чиқдим, унинг кўп шартлари (ҳозир) эсимда йўқ.

Бу ишлардан фориғ бўлгач, (Черняев) аввал Ҳакимхўжа эшон қозикалонга битта зар ёқали духоба чакмон, шунингдек, Абулқосимхон эшонга, ундан сўнг мулло Солиҳбек Охундга, сўнгра Тошкентнинг тўрт (рукни ҳокимларига ҳам зар ёқали чакмон кийгизди ва эртага жума намозидан кейин шаҳарга кириб, бозорлар, саройлар ва кўчаларни айланиб чиқишини ҳамда Ҳакимхўжа қозикалоннинг ҳовлисига боришини эълон қилди. Барча аъёнлар ул мажлисдан чиқиб, ўз уйларига қайтдилар.

1282 хижрий йил сафар ойининг ўн иккисида жума куни мелодий 1865 йил 7 июль аҳли Русия ва насрония Тошкент шаҳрини Фарғона замин ҳукмронлари ва Мовароуннаҳрнинг Амир Темурий ҳукуматдорларидан ўз қўл остиларига олдилар» (6 қўлёзма № 7791, варақ 666 б-668 б).

Юқорида келтирилган матндан маълум бўладики, муаллиф шартнома ҳақидаги маълумотларни воқеа бўлиб ўтгандан анча кейин қоғозга туширган. Шартномада қўйилган шартлар анча бўлган, лекин бу ерда муаллиф эслагани ўша шартноманинг бир неча банди, холос.

— Назаримизда ушбу китобнинг чоп этилиши кўпгина воқеаларга ойдинлик киритади. У кунлар ҳам келар. Энди бевосита ўзингизнинг изланишларингиз ҳақида суҳбатлашсак...

— Мен Россия давлат ҳарбий-тарихий архивига бир неча марта мактуб билан мурожаат қилдим. Архив ходимларига раҳмат, илтимосимни беэътибор қолдиришмади, мактубимга жавоб қайтаришди. Улар архивда бор бўлган, мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳнинг тақдирига алоқадор ҳужжатларнинг нусхаларини юборишди. Жумладан, генерал-губернатор ва Оренбург ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Н. А. Кржижановскийнинг Туркистон вилояти аҳолисинин мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳнинг сургундан озод қилинишини сўрови ҳақида ҳарбий вазирга 1867 йил 24 апрелда йўллаган рапорти; Туркистон вилояти аҳолисининг Александр II га мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳни сургундан қайтариш ҳақидаги 38 киши муҳрлаган сўровининг таржимаси; Туркистон ўлкаси генерал-губернатори К. П. Кауфманнинг ҳарбий вазирга Томск губернияси сургунининг сабаблари ва мулла Салимбек ва унинг шерикларини сургундан қайтариш имконлари ҳақида 1867 йил 16 декабрда ёзган рапорти; Бош штаб бўйича мулла Солиҳ (Салимбек) ва унинг шерикларини сургундан қайтариш ҳақида 1868 йил 14 февралдаги тавсияномасининг нусхалари бор. Бундан ташқари ички ишлар вазирининг ҳарбий вазирга 1869 йил 4 февралда Тошкентда яшовчиларнинг сургундан қайтаётгани муносабати ҳақидаги маълумотнома ҳамда Ғарбий Сибирь генерал-губернаторининг тошкентлик тўрт кишининг сургундан, яъни Томскдан Семипалатинскка жўнатилгани ҳақидаги ахборотининг нусхалари ҳам борки, улар Туркистоннинг мўътабар кишилари илтимосига барча амалдорлар бефарқ муносабатда бўлмаганини кўрсатади.

— Нега энди тўрт киши, аслида 6 киши бўлиши керак эдику?

— Ҳамма гап шундаки, улар 6 киши ҳам эмас, 9 киши бўлишган. Генерал-майор М. Г. Черняев судсиз, бошқасиз маъмурий чора кўриб мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ бошчилигида сургунга жўнатади. Ўша йили сургун қилинганлардан 2 киши орқага қайтарилади. Сургундагиларни озод қилиш масаласи кўтарилганда эса, яъни 1867 йилда беш киши ҳаёт бўлган: мулла Солиҳбек, мулла Мирзааъзам Охунд, мулла Музаффар Хучи, Ҳалимбой Мирзо, Мулла Файзибой, 1869 йилда сургундагилар озод этилган пайтда уларнинг яна бири ҳаётдан кўз юмади. Шу тариқа Тошкентга тўрт киши қайтиб келади. Лекин қайтиб келганлар орасида мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ, яъни бобокалонимиз борми-йўқми ҳужжатларда бу ҳақда бирон гап йўқ.

— Мулла Солиҳбек Охунд сургунда нима ишлар қилганлар?

— Баъзи ахборотларга қараганда Тошкентда олиб борган маърифатпарварлик ишларини давом эттирганлар. Ўша ердаги маҳаллий болаларни йиғиб, мактаб очганлар, дарс берганлар, ўқувёзувни ўргатганлар. Буни қарангки, юртини севган, маърифатли кишиларни ҳатто душман бўлса ҳам эъзозлар экан. Александр II император ҳазрати олийлари ўшанда ҳеч иккиланмай, сургундаги туркистонликларни озод этиш ҳақида фармонга имзо чеккан. Эндиги ишимиз Тошкент ҳимоячилари бўлган ўша қаҳрамонларнинг қабрини излаб топиш, ҳурматини бажо келтиришдан иборат. Бу ишда ўша муҳтарам зотларнинг авлодлари ҳам кўмакка келадилар деб ўйлайман. Шу боисдан дилимдан кечаётган бир неча таклифларни айтмоқчиман. Ўтмишда тошкентлик аждодларимизнинг чор ҳокимияти истибдодига қарши курашда мардлик намуналарини кўрсатиб, шаҳид кетган вакиллари номини абадийлаштириш масаласини атрофлича кўриб чиқиш учун тегишли соҳаларнинг етук мутахассисларидан иборат комиссия тузилса. Ушбу комиссияга:

— (номлари абадийлаштирилиши лозим бўлган кишиларнинг) лашкарбоши мулла Алимқули саркор, мулла Солиҳбек Охунд додҳоҳ, Ҳакимбой, Азимбой, Фозилбачча, мулла мирза Аълам Охун, мулла Музаффар ҳожа, мулла Файзинор, Абдурахмон Ясавул, Мир Юсуф Мир Мултон, Умархон Тўрахон ўғли, Нормуҳаммад, муллашер Муллажон Мусомуҳаммад ўғли ва бошқалар) фаолиятларини синчиклаб ўрганиб, алоҳида қаҳрамонлик кўрсатганларининг номларини кўча ва мактабларга бериш учун тавсия тайёрлаш;

— алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган аждодларимиз фаолиятини акс эттирувчи бадиий, илмий асарлар яратиш учун тавсиялар тайёрлаш;

— Тошкент шаҳри атрофи ўтмишда мудофаа девори билан ўралганлиги ва унинг 12 та дарвозаси бўлганлигини, Тошкентнинг тарихий ўтмишига фақат ўзбекистонликларгина эмас, балки бундан буён мустақил республикамизга кўплаб ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонларнинг ҳам қизиқиши катта бўлишини ҳисобга олиб, 12 дарвозанинг ўтмишда жойлашган ерида рамзий тарзда тикланиши, шаҳарнинг эски қисмида ўша давр қиёфаси бир қадар мудофаа девори билан биргаликда акс эттирилиши юзасидан тавсия тайёрлаш топширилса;

— чет элдан келадиган сайёҳларга сотиш ва нуфузли меҳмонларга тақдим этиш учун Тошкент дарвозалари 12 та калитининг рамзий нусхаларини тайёрлаб, нафис қутичаларга жойланса ва уларнинг тарихи бир неча хорижий тилда илова қилинса. Худди шу мақсадда мудофаа девори билан ўралган XIX аср Тошкент шаҳрининг мўъжаз макети тайёрлаб сотувга чиқарилса;

— ҳар йили 2 сентябрда барча олий мактаб ва ўқув-юртларда дарслар истиқлол мавзуидан бошланиши ҳақидаги фармойишдан келиб чиқиб, Тошкентдаги барча тонфадаги ўқув юртларидаги биринчи дарсга Тошкент мудофааси қаҳрамонлари фаолиятини ёритишга ҳам кенг ўрин берилса...

Суҳбатдош
Темур УБАЙДУЛЛО.

● СУРАТДА: тарихга «Тошкент шартномаси» номи билан кирган аҳднома имзоланган XIX аср меъморий ёдгорлиги бўлган Хўжа Аламбардор масжиднинг кўриниши.

Жасоратнома

ДЕНГИЗДАН ТОПИЛГАН ЖАНГЧИ

ҲАМИД болалигидан учувчи бўлишни орзу қиларди. Зангори осмонда «пўлат қуш» пайдо бўлиши билан унга суқланиб боқар, то булутлар ортида ғойиб бўлгунча унга тикилиб турарди. У осмон кемаси қанотида бепоён кўкда сузиб юрган паға-паға булутларга тўш уриб учгиси келарди. Ҳамид етуклик аттестатини қўлига олгач, авиация ҳарбий билим юртига ўқишга кирди.

У билим юртини тугатиб, бошқа курсантлар қатори буйруқни кутиб турганда оғир дамлар бошланди. Ҳамид Саримсоқовни учувчи экипаж таркибида Ленинградга — 57-авиация полкига юборишди. Полк командири полковник Преображенский эди. У биринчи бўлиб гитлерчиларга қарши Берлинни бомбардимон қилган жасур учувчилардан эди.

Кичик лейтенант ўз жанговар йўлини бошлаган полк Ленинградни қамалдан қутқариш учун Волхов фронтида шиддатли жанглар олиб борарди. Полк Тихвин остоналаридаги кичик бир қишлоқ — Саржадаги дала аэродромига жойлашган эди. Жангчилар топшириқни бажариш учун парвозга ҳозирлик кўришарди.

Экипаж ҳавога кўтарилди. Душман марраларини зудлик билан суратга олиб қайтди. Разведка қимматли маълумотлар берди. Авиаполк Кириши станциясида фашист қўшинларининг транспорти қатнайдиган йўлга кучли зарба берди. Енига беш қиррали қизил юлдуз белгиси туширилган самолётлар ярим соат мобайнида рақибни эсанкиратиб қўйди. Операция муваффақиятли тугади. Унда қатнашган жангчиларга қўмондонлик ташаккурнома эълон қилди.

Ҳаво разведкачилари янги маълумотларни олиб келдилар, немисларнинг денгиздаги истеҳкомларида кўплаб қўшинга эга бўлган ва юк ортилган кемалар тўпланган...

Ҳавога штурмчи самолётлар кўтариларди. Улар гитлерчиларнинг кемалари, ҳарбий базаларини аёвсиз бомбардимон қилардилар.

Шу тариқа штурман Ҳамид Саримсоқов ўз жанговар дўстлари билан бирга қамалда қолган Ленинград аҳолисини катта ердан Ладога кўли орқали озиқ-овқат билан таъминловчи «ҳаёт йўли»нинг мунтазам ишлаб туришига катта ҳисса қўшди. Душман иншоотларини суратга олиш, разведка маълумотлари тўплаш учун 23 марта жанговар парвоз қилди.

...Ҳарбий ҳаво кучлари штабидан полкка қўнғироқ қилишди.

— Баренц денгизида сув ости кемамиз фашист транспорт кемасини чўктириб юборди ва ўзи ҳам саёз ерга ўтириб қолди. Сув ости кемамизни немис соқчи катерлари қимирлашга қўймаяпти...

Катерларга зарба бериш учун иккита самолёт ҳавога кўтарилди. Йўл бошловчи самолётни Ҳамид Саримсоқов бошқарарди. Қуюқ булут учишни қийинлаштирди. Лекин экипаж барча қийинчиликларни енгиб, душман катерларини аниқ мўлжалга олди ва усталик билан ўқ узди. Бир катер дарҳол қирғоққа — ўз батареяси паноҳига жўнади. Иккинчиси эса парво қилмай ўз қирувчи самолётларини рация орқали ёрдамга чақирди. Аммо учувчиларимиз катернинг тепасида аниқ ҳаракат қилиб, уни ўққа тутдилар ва охири қочишга мажбур қилдилар. Сув ости кемамиз эса базага етиб олди.

Жанговар экипажнинг жасорати тўғрисидаги хушхабар бутун фронт бўйлаб тарқалди. Марказий газеталарда мақолалар босилди.

Мақолада ҳаво жанглари қизиган пайтда штурман транспортёрни бир четга суриб, пулемётни ишга солади. Лейтенант Саримсоқов душманнинг 2 нефть омбори, 8 порт иншооти, кўплаб самолётларга талафот етказди, дейилади.

Бу воқеа Руминия ва Болгарияни озод қилиш учун жанглар бошланган кезларда, 1944 йилнинг 21 августида содир бўлган эди. 21-бомбардимончи полкнинг ўн бир самолёти душманни Константа базасидаги транспортлари ва ташқи рейдда турган кемаларига зарба бера бошлади. Эскадрилья командири ўринбосари, старший лейтенант Машировнинг самолётига душманнинг тўрт қирувчи самолёти ҳужум қилди. Штурман лейтенант Саримсоқов пулемётдан ўт очиб битта машинани уриб туширади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Маширов ҳалок бўлди. Самолётнинг чап мотори шикастланди. Штурман самолётни ўзи бошқара бошлади. У оловни ўчиришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин уддалай олмади. Аҳвол оғирлашди. Унга самолётни тарк этишни буюрди. Бир оздан сўнг ўзи ҳам парашютдан сувга сакради. Ва резина қайиқда икки кеча кундуз ҳаёт учун курашди. Кейин безгак касалига дучор бўлган штурман хушидан кетди. Унинг ҳалок бўлганлиги тўғрисида ота-онасига «қора хат» юборилди.

Бу хабардан Ҳамиднинг ота-онаси қаттиқ изтиробга тушдилар. Ҳамид Саримсоқов хизмат қиладиган қисмда чиқадиган газетада: «Жанговар дўстларимиз учун қасос оламиз!» сарлавҳали мақола босилди.

Бироқ жасур жангчи тирик қолганди. Уни болгар дўстларимиз денгиздан топиб олишганди. У ғалаба кунини Будапешт шаҳрида кутиб олди.

Жасур учувчи хизматлари муносиб баҳоланди. Унинг кўксини Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «I-даражали Ватан уруши» орденлари ва ўн битта жанговар медаль безади. Болгария Халқ Республикасининг «Ватан урушида иштирок этгани учун» медали билан ҳам мукофотланди. «Волхов фронти фахрийси— Ленинград учун жанглар иштирокчиси» кўкрак нишони берилди. «Ленинград мудофааси учун» медалига ҳам сазовор бўлди.

Урушдан сўнг Ҳамид ака Тошкентга қайтиб келди. У яна авиация билан тақдирини боғлади. У Москвадаги авиация институтига кириб ўқиди. Сўнг аспирантурага кирди. Техника фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

Профессор Ҳамид Саримсоқов Тошкент Техника университети самолётсозлик кафедрасига узоқ йиллар давомида мудирлик қилди. Самолётсозлик соҳасига муҳандис мутахассислар етказиб беришга катта ҳисса қўшди.

Машҳура
МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

ЗАМОНГА ҲАМНАФАС

УШБУ ўқув йилидан бошлаб халқ таълими вазирлигининг қарорига биноан иқтисод асослари фани ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув жараёнига киритилди.

Шу муносабат билан яқинда иқтисодий билимларни информатика дарсларида сингдириб ўқитиш бўйича Тошкентдаги М. Исмоилий номли 138-ўрта мактаб тажрибалари ўқитувчиларнинг шаҳар кенгашида муҳокама қилинди. Республика ўқув-услубиёт маркази ва пойтахт ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кенгашда иқтисодий таълимнинг мазмуни ва методикаси ҳақидаги маърузадан сўнг ушбу тажрибани ўрта мактабларда кенг ёйиш таклиф этилди.

Жорий ўқув йилидаги қувонарли янгиликлардан яна бири, бу — компьютерли таълимнинг 8—9-синфлардан бошлаб ўқитилиши бўлди. Шаҳар кенгашида ҳар бир муаллимга бу соҳа бўйича тегишли ўқув қўлланмалари, дарсликлар, дастурлар топширилди. Маълумки, муаллифлар гуруҳи тезкорлик билан Марказий Осиёда ягона бўлмиш информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси дарслигини яратишга муваффақ бўлгандилар. «Ўқитувчи» нашриётида чоп этишга тайёрланаётган ушбу дарслик тез орада ўқитувчилар ва ўқувчилар қўлига етиб боради.

Ўйлаймизки, замон билан ҳамнафас одимлаб, эркин бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда иқтисод асослари, компьютерли таълимнинг кенг тадбиқ этилиши келгусида албатта ўзининг тотли мевасини беради.

Даврон ИСМОИЛОВ.

Маданият хабарлари

МУНОСИБ СОВҒА

ТОЛИБЖОН Содиқов номидаги шаҳар маданият уйида фаолият кўрсатаётган театр студияси ижодий жамоаси опера шинавандаларига муносиб совға туҳфа этди. Мухлислар қалбидан ўрин олган «Майсаранинг иши», «Травиата», «Қорқиз», «Тош осмон» саҳна асарлари асосида тайёрланган дастур қизиқиш билан кутиб олинди.

Мазкур томошани режиссёр Аркадий Лахтир саҳналаштирган. Ундаги асосий ролларни студия ҳаваскор артистларидан Оделия Мансурова, Зулхумор Ҳикматова, Виктор Алманов, Анатолий Актюнов, Римма Гагаулина ва бошқалар ижро этганлар.

ЭРТАК АСОСИДА

МИРОБОД туманч маданият уйи қошидаги «Қўнғироқча» қўғирчоқ театри рус халқ эртаклари асосида тайёрланган «Ноқулай дум» асарини намойиш эта бошлади. Спектаклни режиссёр Лариса Сокольская саҳнага олиб чиққан. Мазкур асар мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, маданият саройларида кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Салоҳиддин
СИРОЖИДДИНОВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Ўзбекистон амалий санъати музейининг кўриниши.

Дил тубидан

МЕҲР-МУҲАББАТ ҚЎРҒОНИ

⊙ ОИЛА — бу бир қўрғон! У шундай қўрғонки меҳру муҳаббат, қолаверса оқибатдайин буюк нурли туйғулар тимсолида яратилган. У эзгу тилаклар чашмаси, поклик, самимийлик доим гулгун бўстонларни яшнатмоғи лозим.

⊙ Инсонга бахт, қушга қанот — бусиз «парвоз» бўлмайди.

⊙ Оиланинг қанчалар мустаҳкамлиги икки кўнгилнинг ҳароратли боғлиқ. Шундай бўлсинким бу ҳароратлар нафақат ягона қуёшни, балки биргина тилакни «бутун» қилсин. Зероки, бу бағри бутунлик бир бутун бахтга айлансин. Ва айни чоғда ўз-ўзига бўлган ишончни қадрламоқ, асрамоқ керакким, бу қудрат унинг қалбида ҳақиқий фазилатлару хусуситлар, хислатдан озиқлансин.

Зероки, кишида ўз-ўзига бўлган ишонч бўлмас экан, минг карра донишманду жисмонан кучли бўлсада у онгсиз бўлиб қолаверади.

⊙ Баъзан фарзандларни ота-оналарининг уларга нисбатан ҳаддан ташқари қаттиққўл ва шафқатсиз, бемеҳрлиликлари қаторида, аксинча, ҳаддан ташқари меҳру муҳаббатлари ҳам бахтсиз бўлиб қолишлари учун кифоя қилади.

⊙ Оиладошларни боғлаб турган сирли ришталар гар меҳрга асосланса, у жуда оқила ва гўзал ҳаёт кашф этади, агар ўзаро ҳурмат, эъзозу эътибор ҳукм сурса бу муқаддас ва мустаҳкам ришталарни узмоққа ҳеч қандай куч, разолату қабоҳат тиғи қодир бўлмайди.

⊙ Оила деб аталмиш бу нозик бўстонга гар энг соф ва нафис гуллар экилса, бу бўстон ҳар қандай жаннату боғу эрамдан афзалроқ гўшага айланади.

⊙ Тарбияда бир вақтнинг ўзида ҳам каттанинг, ҳам ёш боланинг ролини ўйнаш лозим, яъни бола бўлиб англамоқ, катталардек фикрламоқ керак.

⊙ Аёл ойна — ўзига тушган «соя»ни ҳам, нурни тез илғайди, ўз юзида акслантиради.

⊙ Қаердаки, у қадрланар экан тошда гул, тупроқда эр унади.

⊙ Тарбияда шундай усулни қўллаш керакки, қалб мулкида беркиниб ётган ноёб хазина меҳр ва саховат чашмалари кўз очсин...

⊙ Оила аъзолари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ажрата бошладиларми, демак бу уйдан файз кетган, барака йўқ, оқибат, қадр деб аталмиш нозик тушунча емирилган, андиша синган.

⊙ Оила учун энг фожиали сўз бу — «менга нима...» ёки «фақат менга керакми» ҳамда «ўзидан кўрсин!» қабилидаги шафқатсиз, беписанд, мантиқсиз сўзлар.

⊙ Киши учун энг яқин зот унинг ҳамхонаси. Агар улар ўртасида самимият, ишонч, ўзаро хизмат, етарлича эътибор қарор топмас экан, улар ўртасидаги масофа йироқлашиб бегоналик жари чуқурлашиб бораверади, охир оқибат хоҳ маънавий, хоҳ «қонуний» — айрилиқ!

⊙ Ота-она фарзандининг бугуни, эртаси ҳам бахти-ю бахтсизлиги. Унинг фазилати бола ҳуснига ҳусн, иллат ва қусури, камчиликлари эса доғ бўлиб тушади.

Саодат УМРЗОҚОВА.

Ўлкамизга куз фасли ташриф буюрди. Айни шу дамларда томорқа хўжаликларида пишиб етилган ҳосил йиғим-терими, келгуси мавсумга тайёргарлик ва бошқа юмушлар авжига чиққан. Биз хонадонларда ҳозирги кунда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида Тошкент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, миришкор деҳқон Холдор Султонов билан суҳбатлашдик.

** Шу куннинг юмушлари*

ЕРНИ БОҚСАНГИЗ У СИЗНИ БОҚАДИ

— Холдор ака, аввало ҳамшаҳарларимизга даладаги ҳосил чўғи ҳақида сўзласангиз.

— Ҳозир далаларда айни пишиқчилик даври. Деҳқонларимиз помидор, бодринг, болғар қалампири, бақлажон каби экин турларидан маҳсулотларни йиғиштириб олиб, Тошкентдаги бозорларда сотишяпти. Тўғри, картошкага колорадо қўнғизи, помидор палагига эса иссиқ гармсел ҳавф туғдиряпти. Лекин бу экинларга тез-тез ишлов беришимиз натижасида кўзлаган мақсадга эришяпмиз. Мўл ҳосил етиштирилаётгани эса маҳсулотнинг арзон бўлишига олиб келмоқда. Бундан албатта пойтахтимиз аҳолиси ҳам манфаатдор.

— Жуда тўғри гапирдингиз. Бироқ бозор муносабатларига ўтганимиз нарх-навога ўз таъсирини кўрсатяпти. Мева ва сабзавотларни етарли миқдорда харид қилиб олиш учун барчанинг ҳам кучи етмайди. Шу боис хонадонида озгина ери бўлган одам маҳсулотларни ўзидан чиқаришга ҳаракат қиляпти. Сизнинг хонадонингизда ҳам томорқа борми?

— Албатта. Шу жойдан тирикчилигимиз ўтиб турибди, десам муболаға бўлмайди. Бу йил эрта баҳорда плёнка остига картошка эккан эдик. Эҳтиёждан ортгани бозорга олиб чиқиб сотилди. Бу экиннинг ўрнига жўхори экиб, яқинда поясини ўриб олдик. Қишда молларгa озуқа бўлади. Эндиликда ерни ҳайдаб, имкони борича озиқлантириб қўямиз. Шу билан келгуси йилга замин яратилади. Шаҳар шароитида эса томорқага бир неча экин турларидан эккан маъқул. Шунда хонадонни ёз давомида сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин. Қолаверса, алмашлаб экиш йўлга қўйилади.

— Шу кунларда томорқа хўжаликларида қандай ишларни бажариш зарур?

— Ҳозир биринчи галда етилган ҳосилни йиғиштириб олиш лозим. Кейин эса кейинги йилга замин тайёрлаш талаб этилади. Агар эрта баҳордан томорқа хўжалигингизда маҳсулот олмоқчи бўлсангиз, ҳозир айни пиёз уруғи сепадиган пайт. Уруғ ерга тушгандан кейин униб чиқиши учун ер бир-икки марта яхшилаб суғориб, захлатилади. Бироз кечроқ эса эгат олиб, нўш пиёз экса бўлади. Резаворларга ҳам жой ҳозирлаб қўйиш лозим. Бунинг учун ер яхшилаб чопилиб, маҳаллий ўғит билан озиқлантирилади. Умуман, экинлардан бўшаган майдонларни кузда шудгорлаб қўйишга эришиш керак. Шундай қилинганда механик таъсир остида турли хил зараркунандалар нобуд бўлишини унутмаслик зарур. Яна айни пайтда қиш мавсумига томорқада етиштирилган помидор, бодринг, карам ва бошқа сабзавот маҳсулотларини ғамлаб олиш фойдадан ҳоли эмас.

— Яъни бу маҳсулотларни консервалашни назарда тутяпсизми?

— Ҳа. Маҳсулотларни консервалаш, тузлаб олиш мумкин. Келинойингиз бундай юмушга жуда эрта киришади. Олма, олча, гилос ва бошқа мевалар пишганда улардан компот тайёрлаб, қишга ғамлаб оламиз. Ҳозир эса помидор, бодринг, карам каби сабзавот маҳсулотларидан шиша банкаларга беркитиб ертўлага жойлаб қўяяпти. Помидор, болғар қалампири, резаворлардан қовурилган аччиқ-чучук ҳам тайёрлайди. Кўриб турибсизки, қиш фаслида бемалол мева ва сабзавотлардан баҳраманд бўламиз.

— Томорқа хўжаликлари бўлган хонадон эгаларига қандай тилакларингиз бор?

— Ер илмининг усталари бир нарсани жуда яхши билишади. Ерни боқсанггина у сени боқади. Шундай экан хонадон аъзолари ерга ишлов беришда асло эринмасликлари зарур. Ўз вақтида чопиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириб бориш талаб этилади. Тадбиркорлик билан иш тутилсагина томорқадан мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Суҳбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.

КЎПИНЧА баъзи томорқа эгалари турли сабзавот ва полиз экинлари, чунончи, помидор, бодринг ва қовоқ экиб мўлжалдаги ҳосилни ололмайдилар ёки умуман ҳосил битмайди. Буни аксарият ҳолларда томорқа қуёш нури тушмаслигига ва намгарчиликка йўядилар. Аслида ҳам шундайми? Тўғри, деҳқончилик илмини яхши билмаслик ва экинларни парваришлаш қонун-қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ҳам томорқадан мўл ҳосил олмаслик мумкин. Шунинг учун мутахассислар маслаҳатига амал қилиш фойдадан ҳоли эмас.

Маълумки, сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари инсон организми учун зарур углеводлар, ёғлар, оқсиллар ва минерал тузлар (калий, кальций, темир, фосфор)ни етказиб беради. Аммо уларни етиштириш жараёнида бир қанча муаммоларга дуч келиш, яъни экинлар турли касалликларга дучор бўлиши мумкин. Бу касалликларга қарши ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўриш ҳосилдорликни ошириш ва олинадиган маҳсулот сифатини яхшилашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Хўш, ҳосил мўл бўлиши учун асосан нималарга эътибор бериш зарур? Турли касалликларга қарши курашишда қандай усуллардан фойдаланиш лозим? Ана шу саволларга муфассал жавоб олиш учун биз Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди О. Эшматов билан суҳбатлашдик.

— Экинларни ўз вақтида суғориб, барча агротехника қоидалари (чопиқ ва ўтоқ қилиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш)га риоя қилган ҳар бир томорқа эгасининг экинлари, шак-шубҳасиз, мўл ҳосил беради, — дейди суҳбатдошимиз. Фақат бунинг учун озгина қунт қилиш ва ерга эринмасдан ишлов бериш керак. Бунда деҳқончилик илмидан озми-кўпми хабардор бўлиш, билмаганларни кўп йиллардан буён шаҳар чеккасидаги хўжаликларда деҳқончилик билан шуғуланаётганлардан сўрашнинг ҳам фойдаси катта.

Шуни ҳам айтиш керакки, обҳавонинг ўзгарувчанлиги ва томорқаларда намгарчиликнинг ошиб кетиши бир қанча касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Помидорда, бодринг ва қовоқда учрайдиган сўлиш ва илдиз чириши касалликлари шулар жумласидан-

** Унумдорлик нималарга боғлиқ?*

ЭКИНГА—ПАРВАРИШ, ЗАМИНГА—МЕҲР

дир. Масалан, сўлиш касаллиги сабзавот экинларига катта зарар келтиради. Бундай касалликка дучор бўлган ўсимликларнинг барглари оч-яшил ёки сариғиш тусга кириб, учки новдалари бироз сўлийди. Тупроқ, ҳаво ҳарорати ва намлиги ўзгарганда ўсимликдаги модда алмашинувини издан чиқаришга, пировард натижада экинларнинг бутунлай нобуд бўлишига олиб келади. Илдиз чириш касаллиги кўчат қилиб етиштирилганда барча сабзавот экинларида учрайди. Помидорда бу касаллик уруғлар униб чиқаётган вақтда ёки униб чиққандан сўнг пайдо бўлади. Бунда ўсимлик илдизи қорайиб, ювғичсимон бўлиб қолади ва оқибатда у нобуд бўлади. Шунингдек, тупроқ намлиги кескин ўзгариб турганида ва азотли ўғитлар меъёридан ортиқча солинганда меваларнинг учида ясси ёки ботиқ доира шаклида қўнғир доғланиш ҳосил қилади. Натижада мева аввал қаттиқлашади, кейинчалик эса юмшайди ва доғлар, ғуборлар билан қопланади.

Сабзавот ва полиз экинларининг барча турдаги касалликларига қарши кимёвий йўл билан дорилаш орқали кураш олиб борилади. Бунда ўсимлик қолдиқларини ҳам қолдирмай томорқадан ташқарига чиқариб ташлаш ва кучли даражада зарарланган тупроқнинг юқори қатламини олиб ташлаш, тупроқни чуқур ҳайдаш ва унинг ҳар бир квадрат метрига 100-200 граммдан оҳак солинади. Бир килограмм уруғлик ҳисобига эса 4 грамм триходерма кукуни ёки 80 фоизли ТМТД препарати билан уруғликларга ишлов берилади. Бундан ташқари, касалликлар тарқалган ердаги тупроқ юзаси 5 фоизли марганцовка суюқлиги пуркаш орқали ўсимликлар касалликларидан зарарсизлантирилади. Бунда препаратларни тупроқ юзасига бир меъёрда тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади.

Айтиб ўтган тавсияларимиз ва маслаҳатларимизга амал қилган ҳолда экинларни зўр иштиёқ билан парвариш қилган ҳамда заминга меҳр қўйган ҳар бир томорқа эгаси, ҳеч шубҳасиз, ўзи етиштирган экинлардан мўл ҳосил олади. Умуман, экинни экишга тайёрлашдан бошлаб бутун ўсув даврида сабзавот ва полиз экинлари касалликларига қарши тинимсиз кураш олиб бориш керак. Ана шундагина экинлар қийғос униб, ҳар бир тупида талайгина мева тугади. Ўз вақтида ўтказиладиган чора-тадбирлар юқори самара олиш гарови эканлигини унутманг.

Исмоил ЗОИРОВ.

Пойтахтимиздаги даҳалар, кўп қаватли уйлар тевараги-даги бўш майдонлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Мазкур турар жойларда истиқомат қилувчилар озгина бўлса-да, бўш ерни ўзлаштириб, турли хил кўкатлар, сабзавот маҳсулотлари етиштиришмоқда.

СУРАТДА: кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи қўни-қўшнилар томорқада етиштирилган маҳсулот ҳақида фикрлашишяпти.

Нўъмон Муҳаммаджонов суратти.

** Ўлкамизнинг шифобахш неъматлари*

ҚИЁМ ҚЎШИЛГАН УНАБИ

КЎПЧИЛИК хонадонларда унаби дарахти бўлиб, мевасидан кам одам фойдаланади. Унинг меваси исроф бўлмаслиги учун вақтида териб олиш зарур.

Сентябрь ойининг бошларида унаби меваси пўсти жигарранг тусга кириб, эти буришади. Шундай меваларнинг йириклари териб олинади. Уни қиёмга солишдан олдин бироз тилинади. Бунинг учун эни 2-3, узунлиги 17-18, қалинлиги 1 сантиметр оралиқда 3 та михча қоқиб, иккинчи томонидан 0,8—1 сантиметр чиқарасиз. Таранг ҳолда етилган унаби меваларини узунасига шу михчалар ёрдамида пўстлоғи ва эти гир айлантириб тилинади. Майда тилиндилардан тозалаш учун тилинган мевалар совуқ сувда ювиб ташланади. Бир литр сувга 750 грамм шакар, озроқ лимон кислотаси ва ванилин солиб, қиём ҳолига келгандан сўнг унаби меваларини 45-60 дақиқа қайнатилади.

Шундан сўнг ўтдан олиб қўйилиб шу қайнатилган идишда бир кеча-кундуз қолдирилади. Бунда қиём унабига сўрилади. Энди човлида меваси бошқа тоғорага яхшилаб силқитилиб, патнисларга ёки фанер устига бир қаватдан терилиб, офтобда 1-2 кун қуритилади. Чанг тушмаслиги учун устига дока ёпиб қўйилади. Сўнгра қуритиш салқин жойда давом эттирилади. Бу жараён 8-10 кунда поёнига етади. Қуритиб бўлинган мевалар бир-бирига ёпишмаслиги керак. Ҳаддан ташқари ҳам қуриб кетмаслиги зарур.

Шу йўсинда тайёрланган меваларни кичик картон қутичаларда, музлатгичларда сақлаш мумкин.

Маҳамат РАМАЗОНОВ.

МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР

ХОНАДОНИМИЗДА мўъжазгина томорқа бор. Шу жойдан ҳар йили егуликка турли хил сабзавот маҳсулотлари чиқиб туради. Бундан ташқари, олма, гилос ва бошқа мевали дарахтлар, шунингдек токдан ҳосил оламиз. Хуллас, томорқа хўжалиги ҳозирги қийинчилик даврида кунимизга яраяпти.

«Тошкент оқшоми» газетасида «Томорқа» саҳифаси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Мен бир неча марта ўзимни қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилган эдим, «Сўраган эдингиз...» рукни остида жавоб олдим. Ўйлайманки, ҳамшаҳарларимиз ушбу саҳифа орқали экинларни парваришлаш, мевали дарахтлардан мўл ҳосил олиш, шунингдек, ўзларига керакли бўлган барча нарсалар билан танишиб боришяпти.

Дилмурод ТУЛАГАНОВ, Юнусобод туманидаги Гвардиячи кўчасида яшовчи фуқаро.

* * *

БИЗ оиламиз билан кўп қаватли уйда истиқомат қиламиз. Ўзим ички ишлар органида хизмат қиламан. Болалигим далалар қўйнида ўтгани учунми ерни жуда яхши кўраман. Бўш вақт топдим дегунча ўзимизга ажратилган мўъжазгина майдонда куймаланаман. Мен етиштирган нарсаларга қўшниларимнинг ҳаваси келади.

Газетада ёритиб борилаётган «Томорқа» саҳифасидаги материаллар тажрибамни оширишга яқиндан ёрдам беряпти. Ундан ўрин олаётган материаллар ранг-баранг. Истардимки, кўп қаватли уйларда яшовчилар учун ажратилган майдонларни унумдор, серҳосил қилиш учун алоҳида рукн ташкил этилса, Бу жойларда лавия, мош, қовоқ, қовун-тарвузлар етиштирадиган пайт ҳам келди. Шулар ҳақида мутахассисларнинг маслаҳатлари мунтазам ўрин олса айни муддао бўларди.

Қодир ҚЎЗИЕВ, Ал-Хоразмий даҳаси.

** Мутахассис маслаҳати*

ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ

ЎСИМЛИК ҳаётида сув зарурий шарт-шароитга эга. У ўсимликка кимёвий элементларни етказиб беришда иштирок этади. Суғориш миқдори ток туплари, дарахтларнинг ёшига, ер ости сувининг сатҳига, қатор ораларида етиштириладиган экинларга боғлиқдир. Дарахт ва ток туплари меваларини териб олишдан 15-20 кун олдин суғориш кифоя.

Ҳозирги кундаги муҳим тадбирлардан яна бири ҳосилни териб олишдир. Ўрта пишадиган данаклилар, уруғликлар ва узум етилди. Қишга сақланадиган олманинг голден делшес, ренет симиренко нафис навлари мавжуд. Узумнинг октябрь, пушти тонфи, нимранг навлари сентябрь, октябрь ойларида узилади. Мевани тераётганда яна бир нарсага эътибор берилиши керак. У ҳам бўлса мевалар мева шохчаларига бириккан бўлади, териш вақтида жуда кўп миқдордаги шохчалар мева билан ажратиб олинади. Бу эса келаси йилги ҳосилга салбий таъсир қилади.

Шохчаларни сақлаб қолиш учун шохчани чап қўлда аста ушлаб туриб, ўнг қўлда мева узиб олинади. Мевалар албатта банди билан бирга узиб олиниши керак. Банди билан бирга узилмаган меванинг банди юлинган жойи шикастланади ва шу жойдан чирий бошлайди.

Ҳеч вақт мева дарахтини силкитиб ёғочда қоқиб териш мумкин эмас. Терилган мевалар офтобда қолмаслиги керак. Агар улар далада 1-2 соат қолиб кетадиган бўлса, меваларнинг усти барг, ўт билан ёпиб қўйилади. Терилган мевалар пана жойга келтирилиб навларга ажратилади. 1-навга меваси йирик, касалланмаган, заҳа бўлмаган, банди билан узилган мевалар киради.

Узум бошлари ўткир боғ қайчиси билан кесилади, бунда узум бошини бандидан ушлаб туриш керак. Қишга сақланадиган узум бошлари яшикларга бир қаторда терилади. Узум ғужумлари заҳа бўлмаслиги учун яшик остига 3-4 қават узум барглари ёки ўт тўшалади. Сақланадиган узумнинг ҳар бир боши яна алоҳида кўздан кечирилади, эзилган, касалланган, чириган ғужумлар уй қайчисида кесиб олиб ташланади. Сақланадиган узумларнинг ҳар бир бошини чий устига жойлаштириб ёки каноп билан боғлаб, поляларга осиб қўйиб сақлаш мумкин. Уруғли меваларни сақлаш учун ҳароратнинг энг маъқул режими 0 дан + 2 даража, узум учун — 1 дан — 0 даража атрофидадир. Ҳавонинг нисбий намлиги 70-80 фоиз бўлиши керак. Сақланадиган хоналарнинг полларига, деворлари ва шифтига мис купоросининг 5 фоизли эритмаси пуркалади (10 литр сувга 500 грамм). Деворлари оҳак билан оқланади.

Махдий РАЗЗОҚОВ, Шредер номидаги меванчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, агротехника бўлими катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЭЪЛОНЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА — ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

1993—94 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН **8, 6, 3 ва 1 ОЙЛИК**

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Олий ўқув юртларига кирувчи ёшларни табиий фанлар (математика, физика, химия, биология) **расм, ранг тасвир, композиция, чизмачилик, она тили ва хорижий тиллар** (чет тилида гаплашиш малакасини ошириш, номзодлик имтиҳонини топширишга тайёрлаш, ёзма ва оғзаки таржималар ва ҳ. к.) **бўйича тест синовига тайёрлайди.**

Машғулотлар институтнинг юқори малакали ўқитувчилари томонидан, замонавий техника ўқув қуроллари ва тест усуллари асосида олиб борилади.

ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ **21 сентябрь 1993 йилдан бошлаб, бутун ўқув йилида давом этади.**

Мурожаат учун манзилгоҳ: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 1-бино, 2-қават, 238-хона. Телефон 41-13-62.

Ўзбекистонда биринчи маротаба

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ АСТРОЛОГИЯ АКАДЕМИЯСИДА

3 ОЙЛИК ЎҚУВ КУРСЛАРИ

ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Йиғилиш 22 сентябрь соат 18.00 да Амир Темур кўчаси, 21, «Зоднак» марказида бўлади. Телефон 40-13-07 (метронинг «Амир Темур хиёбони» бекати).

Тоза сув - ҳар бир хонадонга!

"УЛУҒБЕК" МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

"АКВА" ичимлик сувини тозалаш учун қўлланиладиган фильтрлар.
"АКВА" юқори самарали, енгил, ихчам фильтр водопровод сувини қўрғошин, симоб, мис, кадмий, кобальт, темир, рухлардан, уларнинг бирикмасидан, радионуклидлар, дағал тузлардан, ёқимсиз ҳид ва ҳоказолардан тозалайди.

Бир соат ичида Сиз 20 литр экологик тоза сув оласиз!

ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТНИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БЎЛАДИ.

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нархда ва кўтарасига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар: 76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг фильтрларни Сиз Гоголь кўчаси, 38-уйда жойлашган "Электроника" дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ КУРСЛАРИГА

УҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Тошкент давлат шарқшунослик институти
ТИЛ ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ШАРҚ ТИЛЛАРИ
пуллик курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бу ерда Сиз тажрибали муаллимлар раҳбарлигида япон, хитой, корейс, ҳиндий, урду, банғол, уйғур, форс, араб, турк, ўзбек тиллари ҳамда эски ўзбек ёзувини ўрганишингиз мумкин.

Битирувчиларга тегишли гувоҳнома берилади.

Ўқиш муддати тингловчилар тайёргарлиги даражасига қараб 3 ойдан 20 ойгача.

ДАРСЛАР ГУРУҲЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 15-уй, 703-хона.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ УСТАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗИНТУРСЕРВИС» ТАШҚИ САВДО БИРЛАШМАСИ

Ёдгорлик буюмларини
ДОИМИЙ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сизнинг маҳсулотингиз «ЎЗБЕКТУРИЗМ» миллий компаниясининг ҳамма савдо дўконларига чиқарилади.

СИЗ УЧУН БИЗ ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) ИШЛАЙМИЗ.

Маълумотлар учун телефон — 56-29-07.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Космонавтлар шоҳкўчаси, 6-уй.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

САҒБОН КЎЧАСИДА канализация қурилиши муддатлари узайтирилганлиги муносабати билан 1993 йил 1 ноябргача 65, 118-АВТОБУСЛАР ҳаракати НИЕЗОВ кўчаси орқали сақлаб қолинади.

«ТОШКЕНТ ШАҲАРИЙЛОВЧИТРАНСС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 060101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А — 2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30

■ Босмага берилди 11.40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—536. 17499 нусхада.